

## **“InFinBank” АЖ мобил иловасидан фойдаланган ҳолда онлайн тартибда “InfinNasiya” муддатли тўловга асосланган насия карталарини тақдим этиш тўғрисида оммавий оферта**

Мазкур Офера бир томондан “Invest Finance Bank” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда Банк деб юритилади) ва бошқа томондан Масофавий банк хизмати (МБХ) орқали Қарз олувчи жисмоний шахс (кейинги ўринларда Қарз олувчи (Карта эгаси) деб юритилади) ўртасида шартнома тузиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қарз лимити янги чиқарилган “InfinNasiya” муддатли тўловга асосланган насия картаси (кейинги ўринларда “InfinNasiya” картаси деб юритилади) орқали тақдим этилади.

Банкнинг “InfinNasiya” картаси Ўзбекистон Республикаси резидентларига берилади.

Оммавий офертани Face ID воситасида тасдиқлаш орқали Қарз олувчи (Карта эгаси) “InfinNasiya” картаси шартларига ўз розилигини тасдиқлайди, яъни “InFinBank” мобил иловасидан фойдаланган ҳолда “InfinNasiya” картасини онлайн равишда тақдим этиш ҳақидаги ушбу Офертани қабул қиласи. Мазкур розилик Банк учун потенциал Қарз олувчи (Карта эгаси)нинг аризасини дастлабки кўриб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қиласи. Агар Банк Қарз олувчи (Карта эгаси)нинг розилигини (аризасини) маъқулласа, Банк Қарз олувчи (Карта эгаси) Банкнинг амалдаги тартибига мувофиқ текширувларни амалга оширади. Текширувдан муваффақиятли ўтган Қарз олувчи (Карта эгаси) га унинг қарз юкига мувофиқ қарз бўйича лимит тақдим этилади ва бу ҳақда дарҳол Қарз олувчи (Карта эгаси) нинг телефон рақамига SMS-хабар ва мобил иловасига PUSH-хабар юборади.

“InfinNasiya” картасининг индивидуал лимитлари Қарз олувчи (Карта эгаси) ҳар сафар қарз олаётганида жорий даврдаги таҳлил асосида алоҳида белгиланади. Қарз олувчи (Карта эгаси) Банк томонидан мобил илова орқали юборилган “InfinNasiya” картасининг индивидуал шартлари билан танишиб, уларга розилик билдирганлигини Face ID орқали тасдиқлайди ёки ушбу аризани рад этади.

Банк томонидан тақдим қилинган “InfinNasiya” картаси лимити Қарз олувчи (Карта эгаси) томонидан 60 (олтмиш) дақиқа ичидаги қабул қилинмаса, Банк томонидан тақрорий текширувлар амалга оширилади. Агар тақрорий текширувда қарз юкининг ошиши, муддати ўтган қарздорликларни юзага келиши ва бошқа Банкларга юборилган янги аризалар пайдо бўлиши ҳолатлари юзага келган ҳолларда Банк аризани рад қиласи.

Потенциал Қарз олувчи (Карта эгаси) Банк томонидан мижознинг тўловга лаёқатлилигини баҳолашда фойдаланиладиган скоринг модели тиҷорат сири ва маҳфий эканлигини тушунгандигини оферта шартларини тасдиқлаш билан маълум қиласи.

Банкнинг скоринг моделидан фойдаланган ҳолда потенциал Қарз олувчининг (Карта эгасининг) тўлов қобилиятини баҳолаш жараёнида Банк потенциал Қарз олувчи (Карта эгаси) тўғрисидаги очик бўлган ҳар қандай маълумотлардан, шунингдек ташки манбалардан олинган маълумотлардан фойдаланишга ҳақли.

Потенциал Қарз олувчи (Карта эгаси) қуйидаги ҳолларда Банк “InfinNasiya” картасига лимит ажратишни рад этиш сабабларини аниқ кўрсатмаган ҳолда аризани рад этишга ҳақли эканлиги шартини қабул қиласи:

- Қарз олувчи (Карта эгаси) тақдим этган маълумотлар ёки расмий манбалардан олинган маълумотларга асосан таҳлил қилишнинг босқичларидан муваффақиятли ўтмаслик;
- Скоринг баҳолашда етарли миқдорда балл олмаган тақдирда;
- Кредит тарихининг қониқарсизлиги;
- Жорий даврда муддати ўтган қарздорликларининг мавжудлиги;
- Қарз юки кўрсаткичи бўйича белгиланган меъёр талабига жавоб бермаслик.

Қарз олувчи (Карта эгаси) Банк томонидан қарз беришни рад этиш масаласида Банкка нисбатан ҳеч қандай даъво қилмасликни ўз зиммасига олади.

Қарз олувчи (Карта эгаси) ушбу билан Банк тегишли маълумотларни Банк веб-сайтида камида 10 (ўн) календарь куни олдин жойлаштириш орқали Қарз олувчи (Карта эгаси)ни аввалдан хабардор қилган ҳолда ушбу офертага ўзгартириши ва қўшимчалар киритиши мумкинлигига розилик билдиради.

Мазкур оферта Банк томонидан бекор қилинган тақдирда бу ҳақида Банкнинг расмий веб-сайти [www.infinbank.com](http://www.infinbank.com) орқали маълум қилинади.

Мазкур оферта бекор қилинганлиги тўғрисидаги Хабарнома Банкнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилган кундан 10 (ўн) кун ўтганидан сўнг мазкур Оферта бекор қилинган ҳисобланади.

Оммавий оферта бекор қилинган кундан олдин берилган аризалар, ушбу шартномаларда назарда тутилган шартлар сақланган ҳолда 20 кун давомида ўз кучини йўқотмайди.

Мазкур оферта шартноманинг қуйидаги муҳим шартларини ўз ичига олади:

“InFinBank” АЖ мобил иловасидан фойдаланган ҳолда онлайн тартибда “InfinNasiya” муддатли тўловга асосланган насия карталарини тақдим этиш тўғрисидаги шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 367-моддаси ва 369-моддаси 2-қисмига мувофиқ тузилади. Жисмоний шахс ушбу Шартномада кўзда тутилган ва жисмоний шахс томонидан ушбу офертанинг барча шартларини Мазкур шартноманинг қуйида баён этилган шартларига нисбатан бирон бир истисно ва чекловларсиз сўзсиз қабул қилинишини англатадиган ҳаракатларни амалга оширган, яъни оферта билан танишиб чиқиб “тасдиқлаш” тутгаси босилган пайтдан бошлаб кучга киради.

## 1. ШАРТЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

Ушбу шартномага мувофиқ қуйида келтирилган атамалар ва тушунчалар қуйидаги маъноларда ишлатилади:

**“InFinBank” мобил иловаси** - Масофадан онлайн тартибда Банк операцияларини амалга ошириш, шахсий ҳисобвараги назорат қилиш ва бошқариш, исталган жойда нақд пул ишлатмасдан ҳисоб рақамлар ва карталарда мавжуд бўлган пул маблағларини тасарруф этишга имкон берувчи Банк иловаси ҳисобланади.

**Автоматик сўндириш** - Қарз олувчи (Карта эгаси)нинг барча карталари, шахсий депозит ҳисоб рақамидан қарзни сўндириш мақсадида автоматик тарзда пул маблағларини ечиб олиш жараёнидир. Автоматик сўндириш жараёни Банкда белгиланган вақтлар оралиғида ҳар куни бир неча марта амалга оширилади. Муддати ўтган тўловлар (қарз) ни сўндириш



учун етарли миқдорда маблағи бўлмаган тақдирда карта ҳисобини/ҳисоб рақамни етарли маблағлар билан тўлдириш талаб қилинади.

**Автоматик сўндириш картаси** - Қарзни сўндириш мақсадида пул маблағларини автоматик равишда ечиб оладиган Қарз оловчи (Карта эгаси)нинг “InFinBank” АЖ ва бошқа банкларда очилган барча турдаги банк карталари ва ҳисоб рақамлари.

**БАНК-** “InFinBank”АЖ, Амалиёт бошқармаси, унинг филиаллари, Банк хизматлари марказлари.

**Лимит** - Қарз оловчи (Карта эгаси) фойдаланиши учун Банк томонидан тақдим этилган, қайта тикланадиган қарзниң максимал миқдори.

**Мерчант** – Банкнинг расмий сайти ва мобил иловасида рўйхатда келтирилган Банкнинг ҳамкори бўлган, савдо фаолиятини амалга оширадиган тадбиркорлик субъекти.

**Ойлик тўлов** - Ҳар ойнинг биринчи санасида Қарз оловчи (Карта эгаси)га тўлов жадвалига мувофиқ жорий ва олдинги ойларда ишлатилган маблағлар учун қўйиладиган асосий қарз ва комиссияни ўз ичига олган тўлов.

**Суѓурталовчи** - тегишли турдаги суѓуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ва қарз қайтарилмаган тақдирда суѓурта шартномасига мувофиқ суѓурта бадалини (суѓурта суммасини) тўлаш мажбуриятини қабул қилган тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс.

**Техник овердрафт (қарз лимитидан ортиқча бўлган қарздорлик)** - Қарз оловчи (Карта эгаси) томонидан товарлар/хизматлар учун тўлов миқдори талабнома шаклида қўйилганда талабнома миқдорининг қарз лимитидан ошган миқдори.

**Қарз оловчи (Карта эгаси)нинг шахсга доир маълумотлари** - Қарз оловчи (Карта эгаси)га оид бўлган ёки уни аниқлашга имкон берадиган электрон, қофоз ва (ёки) бошқа моддий ахборот воситаларида қайд этилган маълумотлар.

**Қарз оловчи (Карта эгаси)нинг шахсга доир маълумотларга ишлов бериш** - Қарз оловчи (Карта эгаси)нинг шахсий маълумотларини йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, фойдаланиш, тақдим этиш, тарқатиш, ўтказиш, шахссизлаштириш ва йўқ қилиш бўйича бир ёки бир қатор тадбирларни амалга ошириш.

**Қарз оловчи (Карта эгаси)** - Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат қиладиган, ва даромадга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган жисмоний шахслар.

**Қарз бўйича таъминот** - Қарз қайтармаслик хатаридан суѓурталаш.

**Шахсни тасдиқловчи ҳужжат** - Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспорти, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификация ID-картаси, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий қисмлар ва ҳарбий муассасалар қўмондонлиги томонидан берилган ҳарбий хизматчиларнинг шахсий гувоҳномалари ёки ҳарбий билетлари (ҳарбий хизматда мажбур бўлган фуқароларнинг ҳарбий билетлари бундан мустасно), чет эл фуқаросининг Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси/ID-картаси, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси/ID-картаси.

**Масофавий банк хизматлари (МБХ)** - Қарз оловчи (Карта эгаси) томонидан телекоммуникация тизимларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб узатиладиган электрон фармойишлари асосида тақдим этиладиган Банкнинг комплекс хизматлари.



**PUSH-хабар** - Банк томонидан “InFinBank” мобил иловаси орқали Қарз олувчи (Карта эгаси)га юбориладиган ахборот хабари.

**SMS-хабар** - Қарз олувчи (Карта эгаси)га тақдим этиладиган, Қарз олувчи (Карта эгаси)га Банқдан унинг мобил телефон рақамига SMS кўринишидаги хабар олиш имконини берувчи банк хизмати.

## 2. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ

2.1. Мазкур Шартнома Тарафлар ўртасидаги Банк томонидан Қарз олувчи (Карта эгаси)га “InfinNasiya” картасини тақдим этиш билан боғлиқ ўзаро муносабатларни тартибга солади.

2.2. Мазкур шартнома бўйича қарз лимити индивидуал тартибда белгиланади.

2.3. Қарз олувчи (Карта эгаси)га ажратилиши мумкин бўлган қарзнинг максимал миқдори 100 000 000,00 (Бир юз миллион) сўмни ташкил этади.

2.4. Қарз бўйича олинган қарзнинг учдан бир қисми миқдорида комиссия белгиланади. Комиссия “InfinNasiya” картасидан товар сотиб олиш учун ишлатилган ҳар бир миқдор учун алоҳида хисобланади.

Қарз маблағлари товар сотиб олишни амалга ошириш учун тақдим этилади. Ҳар бир тўлов миқдори 10 000 (Ўн минг) сўмдан кам бўлмаслиги лозим.

2.5. Картадан картага пул ўтказиш, банкомат ва кассалардан нақд пул ёчиш, мобил илова орқали конвертацияни амалга ошириш, мобил илова орқали электрон ҳамённи тўлдириш, мобил илова орқали омонат хисобваракни тўлдириш, мобил илова орқали VISA direct хизмати орқали пул ўтказиш, мобил илова орқали кредитларни сўндириш, реквизит бўйича тўловни амалга ошириш каби операцияларга ишлатиш тақиқланади.

2.6. “InfinNasiya” картасидан ишлатилган ҳар бир миқдор ва унга белгиланган комиссия билан биргалиқда тенг 12 (ўн икки) ойга бўлиш орқали Банкка қайтарилади. Жорий ойда алоҳида сарфланган барча харажатлар ой бўйича жамланган ҳолда тўлов учун ягона миқдор аниқланади.

2.7. Ойлик тўлов Қарз олувчи (Карта эгаси)га ойнинг 1-санасида тўлов учун қўйилади ва ойнинг 5-санасига қадар ихтиёрий тўлаш имконияти берилади. Ойнинг 5-санасига қадар сўндирилмаган тўлов миқдори муддати ўтган ҳисобланади.

2.8. “InfinNasiya” картаси лимитидан фойдаланиш даври 48 (қирқ саккиз) ойни ташкил қиласади.

2.9. Таъминот сифатида қарз қайтмаслик хатари Банк томонидан суғурталанади.

2.10. “InfinNasiya” картаси янги карта очиш орқали амалга оширилади. Картани қабул қилаётганида, Қарз олувчи (Карта эгаси) ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатининг асл нусхасини тақдим этиши лозим.

2.11. “InfinNasiya” картасининг амал қилиш муддати картанинг олд қисмida кўрсатилган. Банк Қарз олувчи (Карта эгаси) учун 60 (Олтмиш) ой давомида амал қиладиган картани чиқаради.

2.12. Қарз олувчи (Карта эгаси) “InfinNasiya” картасидан фойдаланган ҳолда Банк томонидан мазкур Шартнома доирасида тақдим этиладиган қуйидаги турдаги операцияларни амалга ошириши мумкин:

- Банк ҳамкорлари рўйхатида мавжуд бўлган мерчантларидан товар сотиб олиш учун тўловларни амалга ошириш.

2.13. Мазкур шартнома бўйича барча ҳисоб-китоблар сўмда амалга оширилади.

2.14. Қарз олувчи (Карта эгаси) Банкка ташриф буюриш орқали ёки куръерлик хизмати орқали “InfinNasiya” картасини олгандан сўнг, карта активлаштирилади.

### 3. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

3.1. Банк томонидан Қарз олувчи (Карта эгаси)га қайтаришлилик, тўловлилилк, таъминланганлик ва муддатлилилк тамойилларига амал қилган ҳолда лимити қайта тикланадиган “InfinNasiya” картасини чиқариш орқали қайта тикланадиган лимит тақдим этилади.

3.2. Қарзниң янгиланадиган лимитидан фойдаланишга дастлабки 48 (кирқ саккиз) ойда рухсат берилади. Ойлик шаклланган мажбуриятлар ва унга қўшилган комиссия миқдори ойлик жамланган ҳолда 12 ойга teng бўлиниб, ойма-ой тўлов амалга оширилади. Охирги транш 49-ойидан бошлаб 11 ой давомида 11 ойга teng бўлиниб тўланади ва қарз тўлиқ сўндирилади.

3.3. “InfinNasiya” картаси бўйича қарзни сўндириш учун тўловлар мазкур шартнома тузилган кундан бошлаб қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- ойлик тўлов ҳар ойнинг 1-санасида тўлов учун қўйилади. Ҳар ойнинг 1-санасидан 5-санасига қадар ихтиёрий сўндириш амалга оширилиши имконияти мавжуд бўлади. Ойнинг 1-5 саналарда Қарз олувчи (Карта эгаси) томонидан ихтиёрий тўлов амалга оширилмаган тақдирда 5-санада автоматик тартибда сўндириш орқали ундирилади. Қарз олувчи (Карта эгаси)нинг ҳисобларида пул маблағлари мавжуд бўлмаган тақдирда ушбу тўлов муддати ўтган ҳисобланади ва тегишли ҳисобварақларга ўтказилади ҳамда шу кундан эътиборан токи тўлиқ сўндирилгунга қадар бир кунда бир неча марта автоматик равишда сўндириш амалга оширилиб борилади. Муддати ўтган қарздорлик ёпилмаган тақдирда кейинги ойнинг 5-санасида “InfinNasiya” картаси блокланади;
- Ойлик тўлов 90 (тўқсон) календар кун ваундан ортиқ муддатга кечикирилган тақдирда, “InfinNasiya” картаси тўлиқ муддатга, яъни “InfinNasiya” картасининг охирги муддатига қадар блокланади ва карта бўйича фақат қарзни сўндириш учун картани тўлдириш амалиётини амалга ошириш мумкин бўлади.

3.4. Қарз олувчи (Карта эгаси) қуйидагиларни тан олади ва розилик беради:

- Суғурта натижасида қопланган зарар учун жавобгар бўлган Қарз олувчи (Карта эгаси)га нисбатан Банкнинг талаб қилиш ҳуқуқи тўланган миқдор доирасида суғурта товонини тўлаган Суғурталовчига ўтади;
- Банк Суғурталовчига барча хужжатлар ва далилларни топширади ва Суғурталовчига ўтган талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириши учун зарур бўлган барча маълумотларни тақдим этади.

3.5. “InfinNasiya” картаси орқали амалга оширилган тўловлар бўйича тўлов рад этилган тақдирда, картага қайтган пул маблағлари картани тўлдириш жараёни каби акс этади.

3.6. Қарз олувчи (Карта эгаси) мазкур шартномани тузиш ва бажариш мақсадида Банк томонидан кредит бюроларида сақланаётган Қарз олувчи (Карта эгаси)нинг кредит тарихига киравчи ахборотни олишига розилик билдирад. Шунингдек, кредит бюроларига Қарз олувчи (Карта эгаси) томонидан қарзни қайтариш бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши билан боғлиқ ахборотни кредит ахбороти алмашинуви тўғрисидаги амалдаги қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда беришига ҳақли эканлигига розилик билдиради.

3.7. Қарз олувчи (Карта эгаси) ушбу билан тасдиқлайдики, Банк мобил телефон рақами ўзгарганлиги тўғрисида хабардор қилинмагунча, Қарз олувчи (Карта эгаси) томонидан Банкка тақдим этилган мобил телефон рақамига юборилган SMS-хабар бевосита Қарз олувчи (Карта эгаси)нинг ўзига юборилган ҳисобланади.

Қарз олувчи (Карта эгаси) томонидан SMS-хабарларни олиш санаси Банк томонидан мобил телефон рақамига SMS-хабар юборилган сана ҳисобланади.

Банк уяли алоқа операторининг айби билан ёки Қарз олувчи (Карта эгаси) тармоқ қамровидан ташқарида бўлганда, унинг телефони ўчирилганда, носоз бўлганда ва шунга ўхшаш ҳолатларда SMS-хабарларни етказиб бермаслик учун жавобгар бўлмайди. Бунда SMS-хабар Банк юборган санада Қарз олувчи (Карта эгаси) томонидан қабул қилинган деб ҳисобланади.

Қарз олувчи (Карта эгаси) мобил телефон рақамига юборилган SMS-хабар бевосита Қарз олувчи (Карта эгаси)нинг ўзига юборилган деб ҳисобланишини тасдиқлайди.

#### **4. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

##### **4.1. Банк қўйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:**

4.1.1. Қарз олувчи (Карта эгаси)нинг тўловга лаёқатлилиги таҳлил қилишнинг барча тегишли босқичлари муваффақиятли ўtkазилган тақдирда, Қарз олувчи (Карта эгаси)га мазкур шартнома тузилган кундан бошлаб 1 (бир) иш куни ичida рухсат берилган миқдорда “InfinNasiya” картасига лимитни тақдим этиш.

4.1.2. “InfinNasiya” картаси бўйича маблағларни ҳисобга олиш учун тегишли ҳисобваракларни очиш ва картани тақдим этиш.

##### **4.2. Банк қўйидаги ҳуқуқларга эга:**

4.2.1. Мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати давомида Қарз олувчи (Карта эгаси)нинг молиявий ахволини ўрганиш ва Қарз олувчи (Карта эгаси) томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилиш;

4.2.2. Ундирувни Қарз олувчи (Карта эгаси)нинг бошқа мулкига қаратиш;

4.2.3. Банк қўйидаги ҳолларда суд тартибida мазкур шартномани бекор қилиш ва Қарз олувчи (Карта эгаси)дан қарздорлигини муддатидан олдин сўндиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

a) Қарз олувчи (Карта эгаси) ойлик тўловларни тўлаш муддатини икки ёки ундан ортиқ марта бузса ёки мазкур Шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармаса;

b) мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати давомида Қарз олувчи (Карта эгаси)нинг молиявий ва мулкий ахволи сезиларли даражада ёмонлашса;

с) Қарз олувчи (Карта эгаси) қарз олиш учун Банкка “InfinNasiya” картаси бериш түғрисида қарор қабул қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалар бўйича ёки тўлиқ бўлмаган маълумотни тақдим этган бўлса;

д) мазкур Шартнома ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига назарда тутилган бошқа ҳолларда.

4.2.4. Қарз олувчи (карта эгаси) ёки унинг операцияси санкция таъсир доирасига тушганда ёки тушиш хавфи мавжуд бўлганда, Банк операцияни ўрганиш мақсадида кўшимча маълумотларни сўраш, операция миқдорини чегаралаш, хизмат кўрсатишни рад этиш ва ушбу шартномани бир тамонлама бекор килиш хукуқига эга.

4.2.5. Банкка мазкур Шартнома бўйича ўз талабларини қондириш учун зарур бўлган, карта ҳисоб рақамларида ҳисобга олинадиган Қарз олувчи(Карта эгаси) нинг барча банклардаги ҳамма ҳисобларидан акцептиз ва тортишувга ўрин қолдирмайдиган тартибда пул маблағларини ечиб олиш. Қарз олувчи (Карта эгаси) эса ушбу билан Банкка ечиб олиш хукуқини беради ва келгусида ҳеч қандай эътиrozларга эга бўлмайди. Шу муносабат билан Қарз олувчи (Карта эгаси)нинг Ўзбекистон Республикасининг исталган банкларида очилган барча ҳисобвараклари ва банк карталаридан Банкка тўланиши лозим бўлган суммаларни Банк томонидан автоматик сўндиришга розилик беради, автоматик сўндирилишига Банкка топшириқ ва ваколат беради. Автоматик сўндириш хизмати Қарз олувчи (Карта эгаси) қарз олган пайтдан бошлаб Банк томонидан фаоллаштирилади, Қарз олувчи (Карта эгаси) эса Банкдан ушбу хизматни ихтиёрий равишда олишига розилик билдиради ва тасдиқлайди.

#### 4.3. Қарз олувчи (Карта эгаси) қуидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

4.3.1. “InfinNasiya” картаси, шунингдек у бўйича комиссияларни мазкур Шартномада кўзда тутилган муддатларда қуидаги усуллардан фойдаланиб қайтариш:

- картадан картага пул ўтказиш ўтказиш;
- картада керакли миқдордаги пул маблағининг мавжудлигини таъминлаш;
- Банк кассалари орқали нақд пул ўтказиш.

4.3.2. “InfinNasiya” картасидан фойдаланганлик учун Банкка мазкур Шартномада назарда тутилган миқдорда комиссия тўловларини тўлаш.

4.3.3. Зарурат туғилганда Банкнинг сўровига биноан, Қарз олувчи (Карта эгаси)нинг молиявий ва мулкий ҳолатини тасдиқловчи ҳар қандай ҳужжатни Банкдан тегишли сўров олинган вақтдан бошлаб 3 (уч) иш куни ичida Банкка тақдим этиш. Бунда ҳужжатларга киритилган барча ўзгаришлар Банкка тақдим этилган вақтдан бошлаб Банк учун амал қиласди.

4.3.4. Фамилияси, исм-шарифи, яшаш жойи, иш жойи, телефон рақамлари ўзгарган тақдирда, бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб 1 (бир) иш куни ичida Банкка ушбу ўзгаришлар ҳақида ёзма равишда хат ёки электрон ахборот тизимлари орқали хабар бериш.

4.3.5. Қарз олувчи (Карта эгаси)га нисбатан банкротлик таомиллари жорий этилганлиги түғрисида Банкни ўз вақтида ёзма равишда хабардор қилиш, шунингдек, Банкни хабардор қилмаслик/ўз вақтида хабардор қилмаслик натижасида юзага келадиган барча салбий оқибатлар хавфини ўз зиммасига олиш.



4.3.6. Ушбу офертага киритилаётган ўзгартериши ва/ёки қўшимчалар тўғрисида ўз вақтида маълумот олиш мақсадида мунтазам равишда (2 календарь кунда камида бир марта) мустақил равишда ёки ишончли шахслар орқали Банк сайти ва/ёки “InFinBank” мобил иловасининг тегишли бўлимларига кириш. Қарз олувчи (Карта эгаси)нинг ушбу офертага киритилган ўзгартеришлар ва/ёки қўшимчалар билан ўз вақтида танишмаганлик ҳолати, Банкнинг уларни қўлламаслиги учун асос бўла олмайди.

#### 4.4. Қарз олувчининг ҳуқуқлари:

4.4.1. “InfinNasiya” картаси бўйича қарздорликни муддатидан олдин тўлиқ микдорда ёки қисман сўндириш;

4.4.2. Қарз олувчи (Карта эгаси) мазкур Шартнома тузилгандан сўнг ва Қарз олувчи (Карта эгаси) мазкур шартнома бўйича қарз олгунига қадар бепул асосда қарз олишдан бош тортиш ҳуқуқига эга, шунингдек қарзни муддатидан олдин исталган вақтда, ҳеч қандай жарима тўламасдан сўндириш ҳуқуқига эга.

### 5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Қарз олувчи (Карта эгаси) қарзни ва у бўйича комиссияни ўз вақтида ва тўлиқ тўлаш, шунингдек қарзни ундириш бўйича суд харажатларини ва Банкнинг Қарз олувчи (Карта эгаси) ўз мажбуриятларини бажармаслиги ёки керакли тартибда бажармаслиги оқибатида кўрган бошқа заарларини қоплаш учун Банк олдида ўзининг барча мол-мулки билан жавоб беради.

5.2. Қарз олувчи (Карта эгаси)нинг қарз ва комиссияни қайтариш билан боғлиқ тўловлар бўйича жавобгарлиги, “InfinNasiya” картаси чиқарилиши билан юзага келади.

5.3. Банкнинг айби билан “InfinNasiya” картаси тақдим этилмаган ёки ўз вақтида тақдим этилмаган тақдирда, Банк Қарз олувчи (Карта эгаси)га базавий ҳисоблаш миқдорининг 50% миқдорида жарима тўлайди.

5.4. Банк Қарз олувчи (Карта эгаси) томонидан тақдим этилган маълумотлар ва алоқа маълумотларининг ўзгариши тўғрисидаги хабарномани ўз вақтида олмаслик натижасида юзага келган оқибатлар учун жавобгар бўлмайди.

### 6. МАХФИЙЛИК.

6.1. Банк Қарз олувчи (Карта эгаси)нинг шахсий ва даромадларига оид маълумотлари, унинг кредит тарихига оид маълумотлари, карта айланмалари тўғрисидаги маълумотларни шунингдек, қарз бериш жараёнида Банкка маълум бўлиб қолган Қарз олувчи (Карта эгаси) тўғрисидаги бошқа барча маълумотларни учинчи шахсларга ошкор қилмайди ва сир тутилишини кафолатлайди.

6.2. Қарз олувчи (Карта эгаси) ҳақидаги, у томонидан “InfinNasiya” картасидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган операциялар ҳақидаги маълумотлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига, судга, суд ижрочиларига, Кредит бюроларига, шунингдек бошқа ваколатли органларга факат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига назарда тутилган ҳолларда ва тартибда тақдим этилиши мумкин.

### 7. НИЗОЛИ ҲОЛАТЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

7.1. Тарафларнинг мазкур Шартномани бажариши жараёнида юзага келадиган барча низоли ҳолатлар Тарафлар томонидан ўзаро мақбул ечимни ишлаб чиқиши мақсадида олдиндан кўриб чиқилиши керак.

7.2. Ушбу шартнома бўйича ҳамда у билан боғлиқ ҳолда келиб чиқиши мумкин бўлган барча низолар Банк ихтиёрига кўра:

- ё Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига белгиланган тартибда Банк (агар қарз Банк филиали, Амалиёт бошқармаси, банк хизматлари маркази томонидан берилган бўлса, тегишлича Банк филиали, Амалиёт бошқармаси, банк хизматлари маркази) жойлашган манзил бўйича судда;
- ёки Ўзбекистон Республикаси ССП ёхуд Ўзбекистон Республикаси ССП Тошкент шаҳар бошқармаси қошидаги ҳакамлик судида ҳал этилади.

7.3. Қарз оловчи (Карта эгаси) тўлов қобилиятини йўқотиб, жорий қарздорлик Суѓурталовчи томонидан қопланган тақдирда қарзни ундириш хукуки регресс тартибида Суѓурталовчи томонидан амалга оширилади.

## 8. ФОРС-МАЖОР

8.1. Тарафлар мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларнинг қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бу бажарилмаслик ёки қисман бажарилмаслик Шартнома тузилгандан кейин юзага келган, Тарафлар мавжуд чоралардан фойдаланиб олдини олишининг имкони бўлмаган, бартараф этиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари натижасида юзага келган бўлса жавобгарлиқдан озод қилинадилар.

8.2. Бартараф этиб бўлмайдиган кучлар ҳолатлари ваколатли органлар томонидан белгиланган тартибда тасдиқлангандағина форс-мажор ҳолатлари деб ҳисобланади.

8.3. Агар мазкур ҳолатлар уч ойдан кўпроқ давом этса, ҳар бир тараф Шартномани бекор қилиши мумкин. Бундай ҳолда, Шартнома бажарилмаган қисмида бекор қилинади ва Тарафлар бажарилган ва бажарилмаган қисмлар бўйича якуний ҳисоб-китобларни амалга оширадилар.

## 9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Шартнома Қарз оловчи (Карта эгаси) томонидан қабул қилинган (акцептланган) пайтдан бошлаб кучга киради.

9.2. Шартнома “InfinNasiya” картаси бўйича амал қилиш даврида амал қиласи ва тўловлар тўлиқ сўндирилганидан сўнг бекор қилинади.

## 10. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур Шартномада белгиланмаган шартлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тартибга солинади.

10.2. Шахсий маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ, Қарз оловчи (Карта эгаси) Банкнинг ўз фаолиятини олиб бориши, Банкнинг мазкур Шартнома шартларини бажариши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган бошқа мақсадлар учун Қарз оловчи (Карта эгаси)нинг ҳар қандай шахсий маълумотларига Банк томонидан ишлов бериш ва фойдаланилиши учун Банкка муддасиз розилик беради. Шунингдек, Қарз оловчи (Карта эгаси) Банкка мазкур Шартномани бажариш мақсадида ўз шахсий маълумотларини учинчи шахсларга беришига розилик беради.



10.3. Қарз олувчи (Карта эгаси) Банқдан ушбу шартнома шартлари бажарилиши бўйича эслатмалар, Банк хизматларини тарғиб қилиш билан боғлиқ реклама материалларини барча алоқа воситаларидан жумладан, лекин шу билан чекланиб қолмасдан почта жўнатмалари, СМС жўнатмалари, овозли жўнатмалар, электрон почта жўнатмалари ва бошқалардан фойдаланган ҳолда, тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш орқали олишга розилик беради.

10.4. Ушбу шартнома бўйича хабарномалар, эътирозномалар Қарз олувчи (Карта эгаси)га шахсан, почта ёки электрон алоқа воситалари ва бошқа коммуникация каналлари орқали топширилиши мумкин.

10.5. Қарз олувчи (Карта эгаси) томонидан масофавий алоқа каналлари орқали амалга оширилган ҳар қандай тасдиқлар босма хужжатдаги ёзма имзо билан бир хил юридик аҳамиятга эга.

10.6. Қарз ва у бўйича комиссияларни Қарз олувчи (Карта эгаси) томонидан ўз вактида тўланмаган тақдирда, Қарз олувчи (Карта эгаси)нинг қарз тарихида мажбуриятлар ўз вактида бажарилмаганлиги тўғрисида маълумотлар шаклланади ва бу эса ўз навбатида келгусида Қарз олувчи (Карта эгаси) томонидан Банк ва микромолия ташкилотларидан қарз олиш имконияти пасайишига сабаб бўлиши мумкин.